

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА «ПРОЦЕССУАЛ МУДАТЛАР» ТУШУНЧАСИ

Мингбоева Дилишода Камол қизи*
Суонова Шахло Эркин қизи*

Аннотация: Мақолада жиноят ишларини күриб чиқишида процессуал муддатлар ва уларни ҳисоблашга тұхталиб үтилған, процессуал муддатларнинг аҳамияти ва процессуал муддатларнинг чет эл давлатлари қонунчилигига акс эттирилғанлыги уни миллий қонунчиликта акс эттириш аҳамиятлари мұхокама қилинганды. Шунингдек амалдаги жиноят-процессуал кодексида мавжуд бўлған муддатлар билан боғлиқ муаммоларга таклифлар ишлаб чиқилғанды.

Калит сўзлар: процессуал муддат, муддат, уддатларни ҳисоблаш, дастлабки тергов, терговга қадар текширув, мурожаат, терговчи, ариза, муддатлар бўйича таклифлар

**Жиноий процессида «процессуал муддатлар»ни ҳисоблаш тартибини
такомиллаштириш**

Республикамиз давлат мустақиллигини әйлон қылғандан сўнг, ислохотлар жараёнида жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш алоҳида ўрин эгалади. Жиноят судлов иш юритувининг конуний амалга оширилиши унга қўйилған муддатлар билан бевосита боғлиқ ва ушбу муддатлар орқали тартибга солинади.

Асосий вазифалардан бири жиноят процессининг судгача ва суддан кейинги боскичларида суд назоратини кучайтириш, шахсни ушлаб туриш, хибсга олиш, шунингдек бошка процессуал мажбурлов чораларини кўллаш учун ҳамда тергов ҳаракатларига санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимларининг маъсулиятини кучайтириш ҳамда уларнинг профессионал бурчини ҳалол ва сидқидилдан бажаришларини суд назорати орқали таъминлаш чораларини кўришдан иборат. Айнан жиноят процессуал қонунчилигига республикамида алоҳида эътибор қаратиб, шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, дастлабки терговни ҳар томонлама ҳолис амалга оширилишини таъминлаш мақсадида инсон ва фуқаронинг шахсий ҳуқуқ ваэркинликларни таъминлашнинг конституциявий кафолатлари кучайтирилмоқда.

Жумладан, “хабеас корпус” ва “Миранда қоидаси” умумэътироф этилған институтларини конституциявий даражада мустахкамлаш орқали сезиларли кучайтирмоқда. Бундан ташқари миллий Конституциямизда илк маротаба

*ИИБ Академияси тергов фаолияти йўналиши 3-ўқув курси 319-гуруҳ курсанти

*Жиззах шаҳар ИИБ ҲТБ сурошибурччиси, капитан

адвокатура институтига бағишлиланган ва адвокатлар фаолиятининг кафолатларини мустахкамловчи алоҳида 24-боб киритилаётганилиги жуда қувонарли ва бу ислоҳатлар тўхтаб қолаётганий йўқ. Хозирги кунда фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини янада тўлароқ тартибга солиш мақсадида жиноят-процессуал қонуни ҳар бир процессуал хатти-харакатни муайян муддатлар билан тартибга солган хамда уларни шу муддатлар билан чегаралаб қўйган. Конун томонидан белгиланган ушбу муддатларнинг катъий белгиланиши фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминланишини гарови булиб ҳисобланади. Бироқ, жиноят-процессуал қонунчилиги томонидан суд, прокуратура, тергов, суриштирув органларининг фаолиятини ҳаддан зиёд муддатлар билан чегаралаб қўйилиши, уларнинг жиноят процессидаги функцияларини аниқ ифода этишга йул қўймайди. (масалан: дастлабки тергов муддатининг қисқартирилиши айрим жиноят ишларининг тўла очилишига тўсик бўлиши мумкин.)

Жиноят процессида процессуал муддатларнинг ахамияти каттадир. Улар авваламбор, жиноят процесси иштирокчиларининг хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган, лекин асосий максад жиноят судлов иш юритувининг самарасини оширишга хизмат қилмоғи лозим. Чунки жиноят судлов иш юритувининг самарали олиб борилиши фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминланишига шароит яратади.

Жиноят процессуал муддатлар жиноят процессининг мустақил институти сифатида ўзининг мазмуни ва моҳиятига эга бўлиб, процессуал харакатларнинг бажарилиши, процессуал қарорларнинг қабул қилиниши хамда муайян вазифаларнинг аддо этилишида муҳим ўрин тутади. Муддатни ҳисоблаш атамасига турли хил тарифлар мавжуд бўлиб уларнинг ичida биз М.Х.Қодирова томонидан берилган тарифни маъқул топдик ва унга кўра, “Муддатни ҳисоблаш – бу вақтнинг ўзига хос объектив хусусияти бўлган секунд (сония), минут (дақиқа), соат, сутка ва бошқаларнинг кетма-кет алмашиниши бўлиб, инсонга хос баҳолаш мезони ҳисобланади¹”. Бунда фақат амалдаги муддат, яъни ўтиши бошланган муддат ҳисобланиши мумкин. Муддатларнинг бошланиш фурсати одатда процессуал қонунда кўрсатилган бўлади. Муддат ўтишининг бошланиши муайян процессуал харакатнинг амалга оширилиши ёки ундан сақланиши билан боғлиқ.

Жиноят процессида босқичларнинг ҳамда уларга белгиланган процессуал муддатларнинг кетма-кетлиги, изчиллиги ва узлуксизлиги алоҳида эътиборга молик. Бинобарин, барча процессуал харакат (харакатсизлик) муайян муддат мобайнида ва жиноят процессининг муайян босқичида амалга оширилади.

¹ М.Х.Қадирова Тошкент давлат юридик университети, 2021 й

Шунга кўра, айрим процессуал ҳаракатлар бошқа процессуал ҳаракатлар билан бир пайтда ва бир босқичда амалга оширилиши мумкин бўлиб, бири иккинчисининг муддатига таъсир этмайди, босқичларнинг узлуксизлигига тўсқинлик қилмайди. Масалан, терговчига ёзма тарзда берилган кўрсатмалар устидан прокурорга билдирилган терговчининг шикояти уни ҳал этилишигача мазкур кўрсатмаларнинг ижро этилишини тўхтатиб қўймайди (ЖПКнинг 37-моддаси). Бироқ, баъзи процессуал ҳаракатлар бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишни тўхтатиб қўйиши ва босқичларнинг изчилигига тўсқинлик қилиши (масалан, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги масала ҳал қилингунига қадар ажрим ёки қарорнинг ижроси манфаатдор процесс иштирокчисининг илтимосига биноан, тўхтатиб турилиши) мумкин. Бу эса, аксарият ҳолларда, муддатнинг узайтирилишига ва кейинги процессуал босқичнинг бошланиш муддати бузилишига сабаб бўлиб, муддатларни ҳисоблашда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Айнан мана шундай процессуал ҳаракатлар, яъни процессуал муддатларнинг чўзилиб кетишига ва босқич изчилигининг ўзгаришига сабаб бўладиган ҳаракатлар учун қонунда муддат белгиланганлигига жиддий эътибор бериш лозим. Акс ҳолда, суд-тергов фаолиятида процессуал муддатларни нотўғри талқин қилиш, ҳисоблаш натижасида ҳуқуқ ва мажбуриятларга риоя қилиш хавф остида қолади.

Шу ўринда, амалдаги ЖПКнинг 107, 216, 226, 374, 497⁶, 497⁹, 502, 504, 528-моддаларида муддатнинг кун билан ҳисобланишига оид қоидаси ҳам мавжуд эканлигини таъкидлаш жоиз. Одатда, муддатларни ҳисоблашда вақтнинг умумий бирликлари: соат, кун, хафта, ой ва йиллардан фойдаланиш мумкин, лекин улар орасида тафовутлар ҳам йўқ эмас. Масалан, вақтнинг умумий бирликларидан бўлган “кун” деганда, соат 6-00 дан 22-00 гача бўлган вақт оралиғи, яъни тун (соат 22-00 дан 6-00 гача бўлган вақт)нинг акси тушунилади. Башарти муддат кун билан ҳисобланса, муайян ҳаракат бошланган соат ёки ўша куннинг 6-00 дан 22-00 гача бўлган вақт оралиғидан бошқа барча соатлари ҳисобга олинмайди. Шу боис, процессуал ҳуқуқда ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашда суткага хос хусусият (ҳаракат бошланган соатнинг ҳисобга олиниши ва 24 соатни қамраб олиши) ни эътиборга олиб, терминларни қўллашда ягона ёндашувни яратиш ва сўзларни ўз ўрнида қўллаш учун жиноят процессида муносабатлар кун билан эмас, балки муайян сутка билан тартибга солинишини ифодалаш талаб этилади.

ЖПКнинг 245, 312, 351, 500, 513, 523, 533, 544 каби моддаларида процессуал муддатларнинг йиллар билан ҳисобланиши ҳам белгиланган бўлиб, ушбу қоидалар муддатларни ҳисоблаш тартибини белгилаб берувчи юқорида зикр этилган нормада, назаримизда, эътибордан четда қолган. Шу боис, муддатларни тартибга солган нормалар орасидаги тафовутларни бартараф этиш

мақсадида, ЖПК 314-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида муддатларнинг йиллар билан ҳам ҳисобланишини ифодалаш зарур. Бу ўз навбатида, муддатларни тартибга солган процессуал нормаларнинг мутаносиблигини таъминлайди. Хорижий тажрибанинг ўрганилиши ҳам бу масалага худди шу каби ёндашувнинг мавжудлигини кўрсатади: Тожикистон ЖПКнинг 136-моддаси, Туркманистон ЖПКнинг 50-моддаси, Қозоғистон ЖПКнинг 54-моддаси, Қирғизистон ЖПКнинг 144-моддаси; Арманистон ЖПКнинг 173-моддаси, Озарбайжон ЖПКнинг 202-моддаларида муддатлар соат, сутка, ойлар билан бир қаторда йиллар билан ҳам ҳисобланиши мустаҳкамланган.

ЖПКнинг 314-моддасига биноан, муддатларни ҳисоблашда муддатнинг ўтиши бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди, аммо бу қоида ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатларини ҳисоблашга тааллуқли эмас.

Муддатларни ҳисоблашдаги бундай ёндашув, бизнингча, бир ёқлама хусусиятга эга. Бунда, соат ва сутка билан ҳисобланадиган муддат хусусида сўз юритилмоқда. Муддатларни ҳисоблашнинг ЖПКда белгиланган тартибига кўра, муддатлар соат ва суткалар билан ҳам ҳисобланади. Ушбу муддатларнинг тўғри ҳисоблаб борилиши учун муддатнинг ўтиши бошланган соат ҳужжатда аниқ саналарни кўрсатиш орқали ўз аксини топиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, муддатларни ҳисоблашда муддатнинг ўтиши бошланган соат ва шу соат тегишли бўлган сутканинг ҳисобга олиниши муқаррарлигини англатади. Акс ҳолда, муддатларнинг бошланиши кейинги соат ёки кейинги суткадан ҳисобланишига сабаб бўлади. Масалан, ЖПКнинг 51-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий Бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажримида биноан қарор ёхуд ажрим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича ҳимоячи иштирокини таъминлаши шарт бўлиб, бу муддатнинг куйидаги тартибда ҳисобланишига олиб келади: хусусан, қарор ёхуд ажрим 12-10да келиб тушган бўлса, жиноят иши бўйича ҳимоячи иштирокини таъминлаш муддати 17.00да тугайди (ваҳоланки, бу муддат 16.10да тугаши лозим).

Шу боис, қонун талаби билан ўрнатилган муддатни ҳисоблаш қоидалари амалда сўzsиз бир хилда таъминланиши учун ҳар бир вақт бирлигининг моҳиятига ҳам эътибор бериш лозим. Жумладан, “соат” деганда – 60 минут (дақиқа), “сутка” деганда – йигирма тўрт соат, “ой” деганда – ё 28, 29, 30 ёки 31 сутка тушунилади. Бир қарашда, ой – вақт бирлигининг моҳиятини, унинг ўтиши

бошланган соати ва суткасини аниқ ифодалаш қийин ва уларни ҳисобга олиб бўлмайди, дейиш мумкин. Бироқ, ЖПК 314-моддасининг учинчи қисмида ойлар билан ҳисобланадиган муддатни ҳисоблашда муддат бошланган кун ҳисобга олинниши қайд этилган. Бундан кўриниб турибдики, “Муддатларни ҳисоблашда муддатнинг ўтиши бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди” деган қоиданинг фақат соатни назарда тутган қисми ойлар ва йиллар (ўн икки ой) билан ҳисобланадиган муддатларга тегишли². Шубҳасизки, бундай қоиданинг ҳеч бир қисми соат ва суткалар билан ҳисобланадиган муддатларга хос эмас. Қонунда буни очиқ қолдириб бўлмайди ва ўзгартиш киритиш зарурати юзага келади. Шу мақсадда, ЖПК 314-моддасининг биринчи қисми иккинчи хатбошисини: “Муддатлар ойлар ва йиллар билан ҳисобланганда муддатнинг ўтиши бошланган соат ҳисобга олинмайди, аммо бу қоида ушлаб туриш, қамоқда саклаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатларини ҳисоблашга тааллуқли эмас” таҳрирда ўзгартиш зарур.

Шуни ёдда тутиш лозимки, хусусий ҳуқуқда муддатлар тегишли кундан тегишли кунгача (a die ad diem – лот.) ҳисобланса, оммавий ҳуқуқда муддатлар тегишли дақиқадан тегишли дақиқагача (a momento ad momentum) ҳисобланниши лозим. Бошқача айтганда, “муддатлар аниқ ҳисобни яхши қўради”³. Соат ва суткалар билан ҳисобланадиган муддатлар юридик факт содир бўлган дақиқа (момент)дан бошлаб тегишли дақиқагача ҳисобланади. Бироқ, “суткалар билан ҳисобланадиган муддатлар қачон тамомланиши лозим” деган савол очиқ қолади. Сабаби, ЖПКнинг 314-моддасида, муддатлар суткалар билан ҳисобланганда муддат охирги суткада соат 24-00 да тугайди, дейилган. Бунга гумон қилинувчи ЖПКнинг 226-моддасига асосан, 11 сентябрь соат 10.00да қамоққа олинганини мисол келтирсак, амалиётда юзага келадиган икки ҳолатни мушоҳада қилиш зарур бўлади:

- 1) ЖПК 314-моддасининг биринчи қисми мазмунига биноан, муддатнинг ўтиши бошланган соат ҳисобга олинади ва бунда ўн суткалик муддат астрономик ҳисобга кўра, 21 сентябрь соат 10.00да тугайди;
- 2) ЖПК 314-моддасининг иккинчи қисми мазмунига биноан, ушбу муддат 21 сентябрда, бироқ соат 10.00да эмас, соат 24.00да тугайди.

Бу ҳолат, битта модданинг иккита қисмида коллизиялар мавжудлигидан далолат беради ва уни бартараф этиш зарурияти юзага келади.

ЖПКнинг 314-моддасига асосан, муддатни ҳисоблашда ишдан холи вақт

² Б.Т.Безлекин ҳам, сутка ва ойлар билан ҳисобланадиган муддатларни ҳисоблашда муддатнинг ўтиши бошланган сутка ҳисобга олинади, деган фикрда. Қаранг: Безлекин Б.Т. Уголовный процесс России: Учебное пособие. 3-е изд. перераб. и доп. -М.: «Кнорус», 2006.-С. 183.

³ Калиновский К.Б. Процессуальные сроки в уголовном судопроизводстве и их регламентация по Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации // Ленинградский юридический журнал, 2005. -№2(3). -С. 139-145.

ҳам эътиборга олинади. Тегишли ҳаракат судда, прокуратурада ёки бошқа давлат муассасасида бажарилиши лозим бўлса, муддат ушбу муассасаларда иш вақти тамом бўлиши билан тугайди. Муддатнинг тугаши ишдан холи кунга (дам олиш, байрам кунига) тўғри келса, муддат шундан кейинги биринчи иш кунида тугайди, лекин ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатини ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно.

Ушбу қоидани мисолларда баён этсак: ЖПКнинг 241-моддасига асосан, дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини кўллаш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича суднинг ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичida апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин. Демак, судъянинг бундай ажрими 30 мартда чиқарилган бўлса, шикоят ёки протест 2 апрелгача топширилиши лозим (март 31 кундан иборат). Башарти 2 апрел иш куни бўлмаса, 3 апрелда топширилиши керак. Юқори турувчи прокурорга 5 март куни шикоят келиб тушган ва 8 март байрам куни бўлганлиги боис, шикоятни ҳал этишнинг уч суткалик муддати 9 мартда тугаши лозим. Боз устига, меҳнат қонунчилигига биноан, дам олиш ва байрам куни тўқнаш келганда, дам олиш куни, қоида тариқасида яқин бўлган иш кунига ўтказилади.

ЖПКнинг 314-моддасига биноан, ойлар билан ҳисобланадиган муддат охирги ойнинг муддат бошланган кунига тўғри келган санасида тугайди, муддатнинг тугаши тегишли санаси бўлмаган ойга тўғри келса, муддат шу ойнинг сўнгги суткасида тамом бўлиши ҳам белгиланган. Масалан, ЖПКнинг 245-моддасига асосан, жиноятлар тергов қилинаётганда қамоқда сақлаб туриш муддати кўпи билан уч ойни ташкил этади. Демак, шахс 30 ноябрда қамоққа олинган бўлса, унинг муддати (ойлар 28, 29, 30, 31 каби суткалардан иборат бўлганлиги боис) 28 февралда тугайди, башарти кабиса йилига тўғри келса, 29 февралда тугаши лозим (иш кунига тўғри келган ёки келмаганлигидан қатъи назар).⁴

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, процессуал мусуддатларга амал қилмаслик жиноят процессининг жиддий бузилиши ва бунинг натижасида инсон қадри улуғ бўлган янги Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқларининг қўпол бузилишидир. Бу эса, ўз навбатида жиноят ишини юритишга маъсул бўлган ваколатла давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Шу боисдан, ҳар бир жиноят ишини юритишга маъсул бўлган шахслар энг аввало процессуал мусуддатларга амал қилиши буни ўз ишларида асосий принцип қилиб олишлари лозимдир.

⁴ М.Х.Кадирова Тошкент давлат юридик университети, 2021 й.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Норматив-хуқуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2021 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2021 й. – 530 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси: (2021 йилгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2021 й. – 730 б.

Электрон сайтлар:

1. <https://law.wikireading.ru>
2. https://legal_science.academic.ru
3. <https://online.zakon.kz/m>
4. <https://studfiles.net/preview>

Махсус адабиётлар:

1. Абдумажидов Г. Справедливость как философская, этическая и правовая категория. // Методологические проблемы права. Академия МВД Республики Узбекистан. – Т.: 1995. – 46 с.
2. Абдумажидов F.A. Жиноят-процессуал қонунчилиги: уни такомиллаштириш – зарурат. *И Хуқуқ ва бурч*, 2009. -№4.
3. Абдумажидов F.A. Жиноят процессининг тарихий турларига бир назар // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2009. -№1.
4. Пўлатов Б.Х. Конституция талабларига риоя қилиш – ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти // ТДЮИ Ахборотномаси, 2009. -№8